2009-yil 5-may № 54 (2623) seshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

*Инсон табиатининг моҳияти ҳаракатда. Тек турмоқлик ўлим демакдир.*

**Б. ПАСКАЛЬ**

◆ Давра суҳбати

## Мақсадимиз бир, йўлимиз ҳам

***Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакиллиги ташаббуси билан Оҳангарон туманидаги «Оҳангароншифер» ва «Оҳангаронцемент» акциядорлик жамиятларида «Мамлакатимизни ижтимоий, иқтисодий ривожлантириш дастурини изчил амалга ошириш» ҳамда Ўзбекистон Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари юзасидан давра суҳбати ташкил этилди.***



**Илҳомжон Алимов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Банк ишлари кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди:**

— 2008 йили Америка Қўшма Штатларида юзага келган молиявий инқироз тез орада бутун дунёни қамраб олди. Натижада нефт маҳсулотлари, қимматбаҳо ва рангли металлар, уран, минерал ўғитлар, пахта ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб кетди. Инқироз таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида мамлакатимизда қатор чораларни амалга ошириш кўзда тутилган. Миллий банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш, экспортга ишлайдиган корхоналарга солиқ имтиёзларини бериш шулар жумласидандир.

**Равшан Қаюмов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, иқтисод фанлари номзоди:**

— Юртбошимизнинг ушбу китобида давлатни ривожлантириш учун зарур бўлган тавсиялар берилган. Кейинги пайтда модернизация деган сўз кўп ишлатилаяпти. У замонавийлаштириш деган маънони англатади.

Бинобарин, қандайдир янгилик қилмоқчи бўлсак, ҳар бир корхонада янги технологияни жорий этишимиз зарур. Бу маҳсулот таннархини пасайтириш ва сифатини ошириш деганидир. Қанча арзон ва сифатли маҳсулот чиқарсак, фойда ҳам шунга яраша бўлади. Иккинчидан, диверсификациялаш, яъни маҳсулот турини кўпайтириш лозим. Демак, ассортиментга қараб фойда ҳам кўпайиб бораверади.

**Раҳим Ражабов, иқтисод ва молия ишлари бўйича «Оҳангароншифер» акциядорлик жамияти раҳбарининг муовини:**

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози корхонамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар реализациясига ҳам таъсир кўрсатаяпти. Шунинг учун корхонамизда 2009 — 2012-йилларга мўлжалланган чоралар ишлаб чиқилди. Унга кўра, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларни камайтириш, корхонани оптималлаштириш, электр энергиясини тежаш, ишчиларнинг сонини камайтирмаслик учун яна ҳам мақбулроқ йўлларни топиш чоралари кўрилмоқда.

Хомашёни ўзимизда ишлаб чиқаришни ўйлаб турибмиз. Шунда маҳсулот турини кўпайтириш имконига эга бўламиз, харажатларни 20 фоизга камайтиришга эришамиз. Жорий йил бошида Ўрғоз конини ўзлаштириш лойиҳаси тайёрланган бўлиб, унга 2009 — 2012-йиллари 22 млрд. 881 млн. сўмлик сармоя йўналтирилиши мўлжалланган. Бу маблағ темир ва асфалт йўллар қуриш, вагон, технологик комбайн, юклаш ва тушириш жиҳозлари олиш ҳамда йиллик қуввати 1 млн. 200 минг тонна бўлган цемент заводи ишга туширилишига сарфланади.

**Тоҳирхўжа Одилхўжаев, Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича вакили:**

— Касаба уюшмаси ва корхона фаоллари, раҳбарлар — ҳаммамиз ҳамжиҳатлик билан ишласак, албатта, мақсадга эришамиз. Чунки сифатли маҳсулотга барибир харидор топилади.

**Озод Хушназаров, «Оҳангароншифер» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси:**

— Яқинда инқирознинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқдик. Бу йил жамоа шартномаси бўйича сарфланадиган маблағ 1 млрд. 246 млн. сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, 2008 йилги ижтимоий тўловлар ҳамда ходимларнинг иш ўрни сақлаб қолинди. Байрамларда мукофот пули бериш, ходимларни рағбатлантириш йўлга қўйилган. Ойлик маошлар ўз вақтида берилаяпти.

**Эркин Толипов, «Оҳангаронцемент» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси:**

— Корхонамизда бир кунда 4,5-5 минг тонна цемент ишлаб чиқарилади. Ўртача ойлик маош — 460-500 минг сўм. Ходимлар ўртасида футбол, волейбол, шахмат, шашка мусобақалари ташкил этилмоқда.

Ўтган йили маҳсулотимизнинг 70-80 фоизини экспорт қилган бўлсак, 2009 йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил қилди.

*Давра суҳбатида, шунингдек, ходимларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.*

**Нарзулла МАХАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган сурат**

## Ҳар бир мурожаат эътиборда

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Ишонч» телефони**

**256-48-81**

**Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати касаба уюшмаси Марказий кенгаши ходимларининг фуқароларни қабул қилиш кунлари**

| № | Лавозими | Ф.И.О. | Қабул куни | Телефон |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Раис | Д. Л. Алимходжаева | сешанба 10.00 — 13.00 | 256-63-59 |
| 2. | Раис | Д. Л. Алимходжаева | жума 15.00 — 18.00 | 256-63-59 |
| 3. | Раис муовини | Б.А. Шодиева | чоршанба 15.00 — 18.00 | 256-54-78 |
| 4. | Раис муовини | Б.А. Шодиева | пайшанба 10.00 — 13.00 | 256-54-78 |
| 5. | Мутахассислар | | ҳар куни 9.00 — 18.00 | 256-54-69<br>256-54-86<br>252-37-97<br>256-64-57<br>256-69-76 |

**Манзил: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24 уй**

**Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси ва маҳкама ходимларининг фуқароларни қабул қилиш кунлари**

| № | Лавозими | Ф.И.О. | Қабул куни | Телефон |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Раис | О.Т. Тургунов | жума 14.00 — 18.00 | 252-11-53<br>256-72-24 |
| 3. | Раис муовини | М.С.Петросянц | чоршанба 14.00 — 18.00 | 256-87-48 |
| 5. | Бош мутахассислар | | ҳар куни 9.00 — 18.00 | 256-54-76<br>256-70-79 |

◆ «Камалак — 2009»

## Эзгуликка элтувчи йўл

***Тошкент шаҳрида 13 та ўқувчилар ижодиёт маркази бор. Улар болаларнинг иқтидорларини аниқлаш ва тарбиялаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш вазифаларини амалга оширади. Тасвирий ва амалий санъат, бадиий-эстетик тарбия, техник ижодкорлик, экология, адабиёт каби йўналишлардаги тўгарак ва студияларда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 25 мингдан ортиқ бола иқтидорини ривожлантирмоқда.***

Маданият ва санъат соҳасидаги кўплаб таниқли кишилар ижод йўлларини ушбу масканлардан бошлаган. Алишер Мирзо, Жавлон Умарбеков, Эркин Воҳидов, Фаррух Зокиров, Лола Элтоевалар шулар жумласидандир.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб яқинда Ўзбекистон бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида «Камалак — 2009. Миллий анъаналар ва замонавийлик» болалар ижодиётининг 4-кўргазма-фестивали бўлиб ўтди.

Кўргазма тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, наққошлик, миллий кашта, флористика, гобелен ва гиламдўзлик каби 16 йўналиш бўйича ўтказилди. Унда ёш рассомларнинг мингдан ортиқ ижодий иши ва халқ амалий санъати намуналари намойиш этилди.

Болаларнинг ижодий ишларини Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Наргиза Раҳмонқулова, Ўзбекистон халқ рассоми, ўймакор уста Ортиқ Файзуллаевдан иборат ҳайъат аъзолари баҳолаб борди. Фестивалда болалар билан бирга уларнинг устоз ва ота-оналари, вазирлик ва ташкилотларнинг вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

48 нафар ғолиб диплом ва медаллар билан тақдирланди.

— Фестивал ҳар йили ўтказилаяпти, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур. — Унда қатнашаётган ёшлар орасидан кўплаб иқтидорли ижодкорлар чиқишига ишонаман. Бундай тадбирлар вилоятлар миқёсида ҳам ўтказилса, яхши бўлар эди.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

◆ Ўзбекистон — умумий уйимиз

## Қўшиқларда асрий қадрият

Қаршидаги Саид Насафий номли ахборот-кутубхона марказида вилоят туркман миллий-маданий маркази томонидан уюштирилган «Дўстлигимиз — ғуруримиз» мавзусидаги учрашув халқлар дўстлигининг ҳақиқий тимсолига айланди.

— Халқимизнинг тарихини ўрганиш, она тили ва ёзуви, адабиёти, халқ оғзаки ижоди, театр ва рассомчилик санъати, миллий урф-одатлари, қадриятларини сақлаш ва ривожлантириш асосий мақсадимиз, — дейди марказ раҳбари Норбой Жўраев. — Воҳамизда олтмиш мингдан зиёд туркманлар истиқомат қилади. Улар орасида фан докторлари, зиёлилар бор.

Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси ҳузурида туркман миллий қадриятлари, маданий меросини ўрганиш, сақлаш, бойитиш ва миллатлар ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида қардош халқ маданиятини ўрганиш маркази ташкил этилган. Марказда туркман маданиятига оид адабиётлар, чолғу асбоблари, либослар, ҳунармандчилик намуналари сақланмоқда. Туркман гиламлари тўқиш цехи, миллий чолғу асбобларини таъмирлаш ва ишлаб-чиқариш устахонаси мавжуд. Кутубхона фондида 3 мингдан зиёд туркман тилидаги китоблар сақланмоқда.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

## Тараққиёт ва фаровонлик манзаралари

***Пойтахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан жойларда турли байрам тадбирлари, учрашувлар ва бадиий кечалар ташкил қилинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат кенгаши, Маънавият-тарғибот бўлими ҳамда «Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан уюштирилди.***

### Таъзимдаман сенга, Тошкентим

Тумандаги ўқувчилар ижодиёт марказида бўлиб ўтган тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Бурхонова, «Камолот» ЁИҲ раиси А.Қосимхўжаев ва бошқалар иштирок этишди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат она заминга ҳурмат, истиқлол неъматларини қадрлаш туйғуларини камол топтиришдир.

Тадбирда марказнинг амалий ва тасвирий санъат бўлими тўгарак аъзолари томонидан кўргазма ташкил этилди. Мактаб ўқувчилари томонидан шеърлар ва ҳаваскор бадиий жамоалар ижросида гўзал пойтахтимизни мадҳ этувчи қўшиқлар айтилди.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Гулистон шаҳрида «Mili-GULISTON-TEKSTIL» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси иш бошлади. Корхона йилига 2350 тонна пахтани қайта ишлаш ва 2050 тонна ип-калава тайёрлаш қувватига эга.***

### Гулистонда қўшма корхона

Янги цех ишга туширилса, ишчиларнинг умумий сони 300 нафарга ортади.

Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг 90 фоизи хорижга экспорт қилинади.

**Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Россиянинг Бошқирдистон Республикаси ишбилармонларидан бир гуруҳи Қашқадарёда бўлиб, ўзаро ҳамкорлик бўйича қатор келишувларни имзолашди.***

### Ҳамкорлик давом этади

Хорижлик меҳмонлар «Ўзгеобурғунефтгаз» АК, «Муборакнефтгаз» УШК, «Gissarneftgaz» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхоналарида бўлиб, ўз маҳсулотларининг тақдимотини ўтказишди. Улар ўз навбатида, мамлакатимиз нефт-газ саноатида амалга оширилаётган лойиҳалар кўлами ва самарасига юксак баҳо бериб, замонавий асбоб-ускуналар етказиб бериш истагини билдирди. Шунингдек, қашқадарёлик саноатчиларнинг шу йил май ойи охирида Уфада ўтказиладиган халқаро кўргазмада иштирок этиши ҳам келишиб олинди.

Тадбиркорлар савдо-саноат палатаси Жанубий филиали раҳбари Станислав Хисматулиннинг эътироф этишича, Бошқирдистон ва Қашқадарё ишбилармонлари ўртасида иқтисодий алоқалар янада мустаҳкамланиб бормоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Сигир — етти хазинанинг бири. Қаерда қорамол бўлса, ўша ерда тўкинчилик бўлади. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга қорамол ҳадя этишмоқда.***

### Мурувватда ҳикмат кўп

Мурувват тадбири туман ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси, хотин-қизлар қўмиталарининг тавсияси асосида амалга оширилаяпти.

Яқинда шундай мурувватдан Ўзбекистон туманининг «Даштҳасан» қишлоғида яшовчи Я.Бўтаева, Боғдод туманидаги Самарқанд қишлоғида яшовчи П.Яқубова, Қува туманидаги «Навбаҳор» қишлоғидан Ш.Абдухалилова, Олтиариқ туманидаги Бўстонлиқ қишлоғи фуқароси М.Раҳимоваларнинг бошлари кўкка етди.

Бу каби тадбирлар давом этмоқда.

**Н.РАФИҚОВ**

***Жиззах вилоятида экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилаяпти.***

### Ер ҳолати яхшиланмоқда

Бунда вилоят гидрогеология мелиоратив экспедицияси жамоасининг хизмати катта. Биргина, ўтган йили 700 км. узунликдаги зовурлар тозаланди, 365 км. масофадаги ёпиқ-ётиқ дренажлар ювилиб, кузатув-мелиоратив қудуқлар қайта қурилди.

— Президентимизнинг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бизга ҳам куч-қувват бахш этди, — дейди экспедиция бош муҳандиси Қ.Шодиев. — Айни пайтда, вилоят туманларида 62 та юқори унумли экскаватор, 35 та бульдозер, 20 та дренаж ювувчи агрегат ишлатилаяпти.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Эълон



**«12-автобус саройи» очиқ акционерлик жамиятига доимий ишлаш учун «Д» тоифали ҳайдовчилар ишга қабул қилинади.**

Ишга киришни хоҳловчилар Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлишлари шарт.

**Ойлик маош 350. 000 сўмдан 400.000 сўмгача**

